



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГЕОЛОГИК ТЕРМИНОЛОГИЯДА ПОЛИСЕМИЯ ҲОДИСАСИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

¹Барно Турдикулова

Гулистон давлат университети
barnoturdikulova512@gmail.com.

²Зайнаб Каримова Абдуамитовна

Гулистон давлат университети

ARTICLE INFO

Received: 05th June 2023

Accepted: 13th June 2023

Online: 14th June 2023

KEY WORDS

Терминология,
терминологик полисемия,
неологизм, текстуравий
тахлил, терминологик
тизим.

ABSTRACT

Мақолада геологик терминларни структураси ҳақида фикр юритилиб, уларнинг талқинлари келтирилди. Полисемия ҳодисаси ҳамда геология соҳасида полисемия ҳодисасининг ўрни келтирилган. Бу борада айрим олимларнинг фикрлари келтирилди. Ушбу терминологик тизимда қўлланиладиган полисемия, омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари аниқланди, ўзбек ва инглиз тилларида уларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди.

Терминнинг тилшуносликдаги асосий семантик функцияси соҳавий билимлардаги тушунчаларни тизимлаштириш ва илмий мулоқат учун самарали восита бўлиб хизмат қилишдир. Шу сабабли ушбу тил бирлиги сифатида ижтимоий функцияга эга.

Термин ҳам оддий сўз каби структур-семантик, функционал – семантик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, полисемия, омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари билан корреляцион тарзда тавсифланади¹.

Чоғиштирилаётган тилларда геология соҳасига оид терминларнинг полисемантик муносабатлари экстралингвистик омиллар натижасида бир терминнинг турли соҳалар лексикасида қўлланиши билан изоҳланади. Кўп маънолилик геологик терминлар ичидаги жинс-тур муносабатларини ўрнатиш имконини беради.

Шунингдек, илмий йўналиш ичидаги турли тармоқларга ишора қилади. Масалан, геология соҳасида қўлланиладиган инглизча *cult* термини ботаникада поя маъносини, геологияда эса қоя, чўққи маъносини, геодезияда кўмирли чанг маъноларини ифода қилади.

Тилшуносликдаги мазкур ҳодиса соҳалараро полисемия ҳодисасининг пайдо бўлишида фанлараро тушунчаларнинг бир-бирига ҳамоҳанг тарзда қўлланилиши билан изоҳланади. Яъни, геология соҳасига оид муайян термин ва лексемалар табиий фан соҳалари кесимида полисемиянинг пайдо бўлишига олиб келади десак, муболаға бўлмайди.



Тилшуносликда кўп маъноли сўзнинг семантик тузилиши ажралмас бирлик сифатида эмас, балки, бир тушунчани англатиши шарт бўлмаган бирлик сифатида намоён бўлади. Маълумки, соҳага оид изоҳли ёки баъзи терминологик луғатларда аксарият сўзлар бир нечта тушунчаларни ифодалаб келади ва шу аснода муайян маънолар сонига эга бўлади.

Бир неча маънога эга бўлган сўз полисемантик (кўп маъноли) лик хусусиятини, сўзларнинг бир нечта маънога эга бўлиш қобилияти полисемия термини билан изоҳланади. Юқорида келтирилган илмий-назарий хулосаларга қарамасдан терминшуносликдаги полисемия жуда муаммоли ва баҳс-мунозарага бой масалалардан бири ҳисобланади.

Чунки, аксарият олимлар бу ҳодисани терминология учун мақбул бўлмаган ва унинг қонуниятларига зид бўлган ҳодиса сифатида инкор этишади ва моносемияни “намунали” терминларнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида изоҳлашади.

Бу эса уни умумий лексикада қўлланиладиган сўзлардан ажратиб туради. Гарчи, термин худди шундай омонимия, синонимлар ва полисемия билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Терминологик омонимия соҳавий билимларнинг кесишувида бир хил товушли терминологик қобикдан, яъни, бир хил лексик шаклдан фойдаланиш асносида намоён бўлади ва аслида, у бошқа-бошқа мазмунни англатиб келиши билан изоҳланади. Масалан: **reef**: 1. Риф; 2. Минерал кон; 3. сув остидаги ёки сувдан озгина чиқиб турувчи қоя².

Терминологик омонимия ҳодисасини терминларнинг контекстуал муҳити ва уларнинг терминологик тизимларга мансублиги орқали ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун шу ўринда инглизча **spread** омоним терминини келтиришни ўринли деб биламиз. Ушбу омоним терминнинг қуйидаги маънолари мавжуд: 1. зилзилаларни ўрганиш; 2. Дарё, ботқоқ ёки кичик қўл. 3. Кесиш пайтида тошни текислаш (таржима муаллифники)³. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, омонимик тил бирликлари лексик жиҳатдан полисемияга ўхшаб кетса-да, умумий лексика билан солиштирганда, терминологик полисемия ҳодисаси терминнинг номинатив-дефинитив ҳамда сигнификатив функциясини таъминлайдиган муҳим хусусиятларида имкониятлари чекланган десак муболаға бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда полисемия ҳар бир тилда мавжуд аномалия эмас, балки аксарият тилларда учровчи универсалиядир. Бироқ, қиёсланаётган тиллардаги аксарият термин-сўзлар бир нечта маъноларни ва тушунчаларини ифодалаб келади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, тилнинг ифода воситаларига бойлиги кўп жиҳатдан унда полисемиянинг қай даражада ривожланганлигига узвий боғлиқ.

References:

1. Abduamitovna, K. Z. (2018). Psychological aspects of teaching foreign language to kids. Проблемы педагогики, (3 (35)), 105-106.



2. Karimova, Z. A. (2017). PHRASEOLOGY AS A BRANCH OF LINGUISTIC SCIENCE. Наука и образование сегодня, (5), 43-44.
3. Abduamitovna, K. Z. (2023). Interpersonal Skills in English Teaching. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 4(4), 238-240.
4. Zaynab, K. (2022). Achieving Effectiveness Through the Use of Digital Technologies in Learning English. Czech Journal of Multidisciplinary Innovations, 12, 27-30.
5. Z.Karimova. (2022). THE PROBLEM OF COMPARATIVE STUDY OF FOREIGN LANGUAGES IN LINGUISTIC AND METHODOLOGICAL ASPECTS. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7330298>
6. Zaynab, K. (2022, March). THE IMPORTANCE OF LINGUISTIC FEATURES IN ENGLISH AND UZBEK. In Conference Zone (pp. 144-145).
7. Barno, T. (2022). Lexical-Semantic Features of Geological Terms and Lexemes in English and Uzbek Languages. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(12), 148-152.
8. Turdikulova, B. T., & Akhmedov, O. S. (2022). Prospects for the Development of Dictionaries of Geological Terms and Their Features. International Journal of Social Science Research and Review, 5(5), 7-12.
9. Allayorov, A. I., Islikov, S. H., & Turdikulova, B. T. (2021). XXI CENTURY-THE CENTURY OF INTELLECTUAL YOUTH. Экономика и социум, (2-1 (81)), 56-62.
10. Saporbayevich, A. O., & Toirkulovna, T. B. Translating Methods of English Geological Terms and the Problem of Computer Lexicography. International Journal on Integrated Education, 4(4), 1-4.
11. Toirkulovna, T. B. . (2023). CONCEPT OF TERM AND TERMINOLOGY. Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence, 2(4), 299–302. Retrieved from <http://univerpubl.com/index.php/horizon/article/view/1287>
12. Турдикулова, Б. (2023). ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГЕОЛОГИК ТЕРМИНОЛОГИЯДА ПОЛИСЕМИЯ ҲОДИСАСИ. Science and innovation, 2(Special Issue 4), 282-283.
13. Мухиддинова, С. А., & Позилов, А. А. (2014). Место инновационных технологий в процессе обучения иностранным языкам. Молодой ученый, (10), 408-409.
14. Мухиддинова, С. А. (2016). Современный подход к обучению иностранным языкам. Наука, образование и культура, (6 (9)), 75-76.
15. Мухиддинова, С. А. (2018). О некоторых компонентах овладения иноязычной культурой при изучении иностранного языка. Научный журнал, (3 (26)), 76-77.
16. Мухиддинова, С. А. (2018). Изучение иностранного языка-путь к развитию культуры в обществе. Достижения науки и образования, (4 (26)), 28-29.
17. Мухиддинова, С. А. (2017). Интернет и дидактические свойства ИКТ в образовательном процессе. Проблемы педагогики, (5 (28)), 28-29.
18. Мухиддинова, С. А. (2017). Особая структура терминов английского языка. Проблемы педагогики, (5 (28)), 26-27.
19. Мухиддинова, С. А. (2016). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ. Наука, образование и культура, 75.